



## Мақтаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятларнинг ҳуқуқий табиати ва таснифи

**А.М.Шермухаммедов**

*Ўзбекистан Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси*

Аннотация

Мазкур мақолада мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятларнинг ҳуқуқий ва криминологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда “мактаб ўқувчиси жиноятчилиги” тушунчасининг назарий мазмуни, унинг моҳияти ҳамда таснифлаш мезонлари очиб берилган. Муаллиф томонидан мазкур ҳодисага нисбатан тор юридик ва кенг криминологик ёндашувлар ўртасидаги илмий баҳслар таҳлил қилиниб, икки қаватли дефиниция модели таклиф этилган. Шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигининг оилавий муҳит, мактаб назорати, тенгдошлар таъсири, рақамли макон ва ижтимоий-психологик омиллар билан боғлиқлиги ёритилган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси миллий статистик маълумотлари ҳамда халқаро ташкилотлар материаллари асосида мактаб ўқувчилари жиноятчилигининг замонавий тенденциялари кўриб чиқилган. Тадқиқот натижасида профилактика тизимини икки босқичли механизм асосида ташкил этиш, очиқ статистик модул яратиш ҳамда мактаб–оила–маҳалла–ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги асослаб берилган. Мақола мактаб ўқувчилари жиноятчилигини ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан комплекс ўрганишга қаратилган илмий ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Kalit so‘zlar:**

мактаб ўқувчилари жиноятчилиги, вояга етмаганлар, жиноят профилактикаси, криминология, ҳуқуқий жавобгарлик, ижтимоий хавfli қилмиш, ёшлар девиацияси, профилактик механизмлар.

Аннотация: В данной статье исследуются правовые и криминологические особенности преступлений, совершаемых школьниками. Раскрываются теоретическое содержание понятия «преступность школьников», её сущность и критерии классификации. Автор анализирует научные дискуссии между узким юридическим и широким криминологическим подходами к данному явлению и предлагает двухуровневую дефиниционную модель. Особое внимание уделено влиянию семейной среды, школьного контроля, группы сверстников, цифрового

пространства и социально-психологических факторов на формирование преступного поведения несовершеннолетних. На основе национальных статистических данных Республики Узбекистан и материалов международных организаций рассматриваются современные тенденции преступности среди школьников. В результате исследования обоснована необходимость внедрения двухэтапной профилактической модели, создания единого открытого статистического модуля, а также усиления взаимодействия школы, семьи, махалли и правоохранительных органов. Статья направлена на совершенствование научных подходов к комплексному правовому и криминологическому исследованию преступности школьников.

Ключевые слова: преступность школьников, несовершеннолетние, профилактика преступности, криминология, уголовная ответственность, общественно опасное деяние, девиантное поведение молодежи, профилактические механизмы.

Abstract: This article examines the legal and criminological characteristics of crimes committed by school students. The study reveals the theoretical content, essence, and classification criteria of the phenomenon of juvenile school-related delinquency. The author analyzes scientific debates between narrow legal and broad criminological approaches and proposes a two-level definitional model for understanding this phenomenon. Particular attention is paid to the influence of family environment, school supervision, peer groups, digital space, and socio-psychological factors on juvenile criminal behavior. Based on the national statistical data of the Republic of Uzbekistan and materials from international organizations, the article analyzes current trends in crimes committed by school students. The research substantiates the necessity of introducing a two-stage prevention mechanism, creating a unified open statistical module, and strengthening cooperation among schools, families, local communities, and law enforcement bodies. The article contributes to the improvement of comprehensive legal and criminological approaches to the study of crimes committed by school students.

Keywords: school student crime, juveniles, crime prevention, criminology, criminal liability, socially dangerous act, youth deviance, preventive mechanisms.

Мақтаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар ҳуқуқий жиҳатдан умумий жиноят тушунчасининг махсус субъектив кўриниши бўлиб, у қонун билан белгиланган жиноий жавобгарлик ёшига етган, аммо ҳали 18 ёшга тўлмаган ўқувчи шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар мажмуасини англатади; криминологик жиҳатдан эса бу ҳодиса фақат содир этилган қилмишни эмас, балки уни туғдирувчи оилавий, мактабий, тенгдошлар муҳити ва назорат танқислиги каби омилларни ҳам қамраб олади.

“Мақтаб ўқувчилари” атамаси норматив ҳужжатларда доим ҳам бир хил дефиниция сифатида берилмагани сабабли, умумий ўрта таълим муассасалари контингенти сифатида 7–18 ёш доирасида қабул қилинди; бироқ жиноий-ҳуқуқий таҳлилнинг марказида, табиийки, жиноий жавобгарлик юзага келиши мумкин бўлган ёшлар туради. Амалдаги БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда миллий қонунчиликка кўра 18 ёшга тўлмаган шахс “бола”

ёки “вояга етмаган” деб қаралади, лекин Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маълумотларига асосланган жиноят статистикаси ва амалдаги Жиноят кодексида умумий жавобгарлик 16 ёшдан, айрим таркиблар бўйича эса 14 ёшдан бошланади. Шу боис, “мактаб ўқувчиси жиноятчилиги”ни таҳлил қилишда икки контурни фарқлаш мақсадга мувофиқ: тор юридик контур — 14/16–17 ёшли жинойи жавобгар ўқувчилар; кенг криминологик-превентив контур — 7–13 ёшдаги, ҳали жиноят субъекти бўлмаса-да, жиноятга мойиллик белгиларини намоён этаётган ўқувчилар.

Ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан жиноят — қонун билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) бўлиб, жаза қўллаш таҳдиди билан таъминланади; демак, мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар ҳам шу умумий конструкциянинг махсус кўринишидир. Бироқ бу ерда “махсуслик” жиноят таркибининг моддий элементида эмас, балки субъектнинг ёши, ижтимоий роллари, психикасининг шаклланиш даражаси, таълим муҳитидаги мавқеи ва ташқи назорат тизимларига кучли боғлиқлигида намоён бўлади<sup>1</sup>. Шу маънода, тушунча сифатида мазкур ҳодиса — умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчиси томонидан содир этилган, қонунга кўра жиноят деб топилувчи қилмишлар мажмуаси; моҳият сифатида эса у мактаб-оила-маҳалла-гуруҳ таъсирлари кесишган нуқтада вужудга келувчи, шахснинг етарли даражада барқарор бўлмаган ҳуқуқий онги ва иродавий назорати билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий девиациядир<sup>2</sup>. Шунинг учун мазкур ҳодиса оддий “ўсмир қонунбузарлиги” эмас, балки давлатнинг болани тарбиялаш, ҳимоя қилиш ва эрта профилактика юритиш функциялари самарадорлигининг ўзига хос индикатори сифатида ҳам баҳоланади. Тасниф нуқтаи назаридан эса, биринчидан, у амалдаги Жиноят кодекси 15-моддасига мувофиқ ижтимоий хавфлилик даражаси ва санкция оғирлигига қараб ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади; иккинчидан, 17-модда мантиғига кўра, субъект ёшига қараб 16 ёшдан умумий жавобгарлик, 14 ёшдан махсус рўйхат бўйича жавобгарлик, айрим таркибларда эса фақат 18 ёшга тўлган шахс субъекти назарда тутилади. Учинчидан, криминологик таҳлилда мактаб ўқувчилари жиноятчилиги мулкка қарши, зўравонликка оид, жамоат тартибига қарши, гиёҳвандлик билан боғлиқ, гуруҳий ва рақамли муҳит орқали содир этиладиган шаклларга ажратиб ўрганилиши самаралидир, чунки айнан шу кесимлар профилактиканинг манзиллигини таъминлайди; мактаб муҳити, тенгдошлар гуруҳи, интернет-макон ва оилавий назорат заифлиги бу ерда моҳиятни тушунтирувчи марказий факторлар бўлиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, криминология фанида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчилик муаммоси юзасидан етарлича илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар амалга оширилган. Вояга етмаганлар, айниқса, мактаб ўқувчилари жиноятчилиги криминологиянинг анъанавий ва устувор тадқиқот

<sup>1</sup> Sattorova M.A. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining o'ziga xos xususiyatlari // Oriental Renaissance: Innovative, Educational, Natural and Social Sciences. – 2022. – Vol. 2, Issue 11. – B. 545–551.

<sup>2</sup> Xushvaqto'v O'.T. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi tushunchasi nazariy va qiyosiy-huquqiy tahlili // Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari. – Toshkent, 2025. – 5-jild, 11-maxsus son. – B. 374–382.

объектларидан бири сифатида эътироф этилади. Хусусан, айрим олимлар сўнгги йилларда вояга етмаганлар, айниқса қизлар ўртасида жиноий хулқ-атворга мойиллик тобора агрессив тус олаётганини алоҳида таъкидламоқдалар<sup>3</sup>.

Илмий адабиётлардаги асосий мунозара, моҳиятан, тор юридик ёндашув билан кенг криминологик ёндашув ўртасида кечади. Жумладан, И.М.Гальперин<sup>4</sup> ва Г.А.Аванесов<sup>5</sup> қарашларига яқин ёндашувларда вояга етмаганлар жиноятчилиги асосан ижтимоий назоратнинг сусайиши, тарбиядаги нуқсонлар ва носоғлом муҳит таъсири билан изоҳланади. А.И. Долгова<sup>6</sup> ҳамда Н.Ф.Кузнецова<sup>7</sup> каби олимлар эса мазкур ҳодисани ижтимоий-иқтисодий инкироз, маънавий муҳитнинг бузилиши, ёш психологияси хусусиятлари ва эмоционал беқарорлик билан боғлиқ бўлган кўп омилли ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қиладилар. Бошқа бир қатор тадқиқотчилар эса вояга етмаганлар жиноятчилигини муайян ҳудуд ва вақт доирасида қайд этилган статистик кўрсаткичлар йиғиндиси сифатида тавсифлашга мойилдирлар.

Айнан шу нуқтада илмий баҳсли жиҳат намоён бўлади. Агар мазкур ҳодиса фақат статистик йиғинди сифатида қабул қилинса, жиноий хулқ-атворнинг шахсий-психологик механизми етарлича очилмай қолади. Агар у фақат тарбия ва ижтимоий назорат етишмаслиги билан изоҳланса, иқтисодий, рақамли ҳамда субмаданий омилларнинг таъсири кам баҳоланади. Шу билан бирга, ҳодисага ҳаддан ташқари кенг мазмунда ёндашиш интизом бузилиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ўртасидаги ҳуқуқий чегараларнинг ноаниқлашувига олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, мактаб ўқувчилари жиноятчилигининг энг мақбул илмий модели икки қаватли дефиниция асосида шакллантирилиши лозим. Биринчи қаватда мазкур ҳодиса 14/16–17 ёшдаги ўқувчи субъекти томонидан содир этилган жиноятлар йиғиндиси сифатида тушунилиши керак. Иккинчи қаватда эса у 7–18 ёшли ўқувчилар муҳитида жиноятга олиб келувчи ижтимоий-психологик, педагогик ва рақамли риск омиллари тизими сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Эмпирик жиҳатдан энг муҳим методологик ҳолат шуки, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг очиқ маълумотларида “мактаб ўқувчиси” алоҳида индикатор сифатида эмас, асосан ёш кесимидаги “жиноят содир этганлиги аниқланган шахслар” кўринишида акс этади; ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигитақдим этадиган рўйхатга олинган жиноятлар статистикаси асосида шакллантирилади ва ICCS классификаторига боғланган. 2025 йил янгиланган расмий индикаторларга кўра, 13–14 ёш (сарлавҳада 13–15 деб берилган, аммо метамаълумотда 2023 йилгача 13–15 ҳисоблангани қайд этилган) тоифасида 331 нафар, 15–17 ёш (сарлавҳада 16–17 деб берилган, аммо метамаълумотда 2023 йилгача 16–17 ҳисоблангани

<sup>3</sup> Kriminologiya. Darslik. M.X. Rustambayev, Q.R. Abdurasulova, G.B. Nurmuhammedova. – Toshkent: Yuridik adabiyotlar Publish, – 2024-у. – 424 бет.

<sup>4</sup> Гальперин И.М. *Несовершеннолетние преступники и меры борьбы с ними*. – Москва: Юридическая литература, 1971. – С. 24.

<sup>5</sup> Аванесов Г.А. *Криминология и социальная профилактика*. – Москва: Академия МВД СССР, 1980. – С. 233.

<sup>6</sup> Долгова А.И. *Криминология*. – Москва: Норма, 2005. – С. 512.

<sup>7</sup> Кузнецова Н.Ф. *Проблемы криминологической детерминации*. – Москва: МГУ, 1984. – С. 91.

қайд этилган) тоифасида 3 116 нафар жиноят содир этган шахс аниқланган; жами аниқланган жиноятчи шахслар сони эса 61 500 нафарни ташкил этган. Бу сонлардан келиб чиқиб, 13–17 ёш тоифасининг улуши тахминан 5,6 фоиз эканини айтиш мумкин, аммо 2023/2024 чегарасида ёш интерваллари метамаълумотидаги ўзгариш сабаб вақт каторини қатъий қиёслашда эҳтиёткорлик талаб этилади. Худудий жиҳатдан 2025 йилги очиқ кўрсаткичлар Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти, Наманган ва Тошкент вилояти каби урбанлашган ёки зич аҳоли жойлашган худудларда ўсмирлар жинойий фаоллиги нисбатан юқорироқ эканини кўрсатади<sup>8</sup>.

Ҳуқуқий сиёсат учун бундан чиқадиган хулоса жуда аниқ: биринчи, мактаб ўқувчилари кесимида ёш + таълим мақоми + қилмиш тури + тақрорийлик + гуруҳийлик бўйича ягона очиқ статистик модул яратиш зарур; иккинчи, жиноят субъекти бўлмаган 7–13 ёшли “эрта риск” гуруҳи ва жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган 14–17 ёшли “юримдик риск” гуруҳи учун икки босқичли профилактика модели керак; учинчи, мактаб, оила, маҳалла, психолог ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектлар ўртасидаги ҳамкорликни формал йиғилишдан реал кейс-менежментга ўтказиш лозим. 2021 йилги 339-сонли низомда жамоат тарбиячиси институти айнан назоратсиз, қаровсиз қолган, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган, ихтисослаштирилган муассасалардан қайтган ёки тарбияда ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларига нисбатан тайинланиши мумкинлиги белгиланган; бу институт тўғри қўлланилса, мактаб ўқувчисига нисбатан жазодан олдин ижтимоий-педагогик таъсирни кучайтириш воситасига айланиши мумкин<sup>9</sup>. Шу билан бирга, расмий-ахборот материаллари 2025 йилда гиёҳвандликка оид жиноят ва ҳуқуқбузарликлар фониди 59 нафар мактаб ўқувчиси аниқланганини кўрсатмоқда; бу ҳолат мактаб жиноятчилиги эндиликда фақат майда мулкӣ ёки безорилик кўринишлари билан чекланмай, наркотик муҳит билан ҳам кесишиб бораётганини англатади. Таққослаш учун, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти<sup>10</sup> ҳар йили 15–29 ёшли ёшлар орасида тахминан 193 минг қотиллик ҳолати содир бўлишини қайд этади, БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси эса болаларнинг қонун билан тўқнашувига оид очиқ ва тўлиқ маълумотлар кўп мамлакатларда етарли эмаслигини алоҳида муаммо сифатида кўрсатади; демак, миллий сиёсатда ҳам “аввал маълумот, кейин профилактика” тамойилини институционал даражага кўтариш давр талаби ҳисобланади.

Тарихий эволюция нуқтаи назаридан, мазкур институтнинг шаклланиши халқаро бола ҳуқуқлари стандартларидан бошланиб, миллий жиноят-ҳуқуқий ва профилактик механизмларнинг босқичма-босқич мустаҳкамланишига келиб тақалади.

Бизнингча, мактаб ўқувчилари ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ҳолати, тузилиши ва динамикасини ўрганиш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ахборот таҳлилий маълумотлари.

<sup>9</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-5443123>

<sup>10</sup> World Health Organization. "Youth violence". 2020 - <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/youth-violence>

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг статистик ҳисоботлари, болалар масалалари бўйича комиссия материаллари, мактаб ўқувчиларини ижтимоий-ҳуқуқий реабилитация қилиш марказлари ҳамда ҳуқуқбузар ўқувчиларни тарбиялашга ихтисослашган махсус мактаблар фаолияти ва тажрибасини таҳлил қилиш;
- мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятларга оид ҳақиқий маълумотлар ва умумий қонуниятларни аниқлаш, шунингдек, мазкур маълумотлар орқали умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш;
- мактаб ўқувчилари, профессионал таълим муассасалари ва лицей ўқувчилари, норасмий ёшлар гуруҳлари аъзолари, шунингдек, ўқитувчилар, педагоглар, тарбиячилар, ички ишлар ва прокуратура органлари ходимлари, ижтимоий хизмат вакиллари, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида анкета сўровлари ва интервьюлар ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;
- умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ҳолати ва унга қарши кураш чоралари бўйича жамоатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, мазкур соҳадаги ўзгаришлар юзасидан прогнозлар ишлаб чиқиш;
- умумтаълим муассасаларида тарбиявий ва меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари жорий қилиш орқали ўқувчиларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ахлоқий тарбияни шакллантиришга қаратилган тажрибасинов ишларини амалга ошириш;
- умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчилик профилактикаси бўйича комплекс ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;
- ўқувчилар ўртасидаги жиноий кўрсаткичлар ва тенденцияларни аниқлаш, уларнинг криминологик таҳлилин аналга ошириш;
- мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ криминоген ижтимоий жараёнларнинг умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчилик миқёси, тузилиши ва динамикасига таъсирини таҳлил қилиш;
- мактаб ёшидаги шахсларнинг ҳаёт кечириш ва тарбияланиш шароитларини ўрганиш, уларнинг асоциал шахсга айланишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини таъминлаш учун ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар ҳамда психологик муҳитни яхшилашнинг энг самарали усулларини криминологик нуқтаи назардан белгилаш;
- таълим муассасаларида тарбиявий-профилактик ишлар ҳолатини ўрганиш, ўқувчиларнинг жиноят содир этишга мойиллиги ва жиноий хулқ-атворини барвақт олдини олиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг жиноий хулқ-атворини профилактика қилиш чоралари тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

### timeline

1989 : Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди  
 1992 : Ўзбекистон Конвенцияга қўшилди  
 1994 : Жиноят кодекси қабул қилиниб, жиноят тушунчаси, таснифи ва ёшга оид жавобгарлик белгиланди  
 2008 : Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун қабул қилинди  
 2010 : Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун қабул қилинди  
 2021 : Жамоат тарбиячиси институти тартиби ВМК 339-сон билан мустаҳкамланди  
 2023 : О‘RQ-829 ислохотлари болалар масалалари бўйича комиссиялар ва ҳимоя механизмларини кучайтирди

### Манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
2. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун.
3. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси.
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси.  
[https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx\\_data\\_960.pdf](https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_960.pdf)
5. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти. “Youth violence”.
6. БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси. “Justice in Matters Involving Children in Conflict with the Law”; “Topic Four — Justice for children in conflict with the law”. Расмий таҳлилий қўлланма ва маълумот сиёсати оид материал.
7. Вазирлар Маҳкамасининг 339-сон қарори: “Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. 2021.
8. Sattorova M.A. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining o‘ziga xos xususiyatlari // Oriental Renaissance: Innovative, Educational, Natural and Social Sciences. – 2022. – Vol. 2, Issue 11. – B. 545–551.
9. Xushvaqtoev O‘.T. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi tushunchasi nazariy va qiyosiy-huquqiy tahlili // Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari. – Toshkent, 2025. – 5-jild, 11-maxsus son. – B. 374–382.
10. Kriminologiya. Darslik. M.X. Rustambayev, Q.R. Abdurasulova, G.B. Nurmuhamedova. – Toshkent: Yuridik adabiyotlar Publish, – 2024-y. – 424 bet.
11. Гальперин И.М. Несовершеннолетние преступники и меры борьбы с ними. – Москва: Юридическая литература, 1971. – С. 24.
12. Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. – Москва: Академия МВД СССР, 1980. – С. 233.
13. Долгова А.И. Криминология. – Москва: Норма, 2005. – С. 512.
14. Кузнецова Н.Ф. Проблемы криминологической детерминации. – Москва: МГУ, 1984. – С. 91.
15. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ахборот таҳлилий маълумотлари.
16. <https://lex.uz/uz/docs/-5443123>